4 ИЮЯ 1982
45
Гос. книжная палата УзССР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 263 (4958).

23 НОЯБРЬ 1982 й.

СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади. Баҳоси 3 тийин.

КЕЧА МОСКВАДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ПЛЕНУМ СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1983 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА СССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ КЎРИБ ЧИҚДИ.

ПЛЕНУМДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ Ю. В. АНДРОПОВ НУТҚ СЎЗЛАДИ.

## САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланганлигим муносабати билан мени қутлаган партия ва давлат органларига, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар, муассасалар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, ўқув юртларининг меҳнат коллективларига, Совет Армияси ва Флотнинг жангчиларига, партия ветеранларига, барча совет гражданларига самимий миннатдорчилик билдираман.

Менга табрикномалар йўллаган чет эллик дўстлар ва ўртоқларга, чет мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларига, жамоат ва давлат арбобларига чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Ю. АНДРОПОВ.

# Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1982 йил 22 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси ўртоқ Н. К. Байбаковнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги Давлат плани тўғрисида»ги ва СССР молия министри ўртоқ В. Ф. Гарбузовнинг «СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги докладларини тинглади.

Докладлар юзасидан бўлган музокараларда КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, СССР тайёрлаш министри Г. С. Золотухин, КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, Ростов областидаги «Путь Ленина» колхозининг комбайнчиси—звено бошлиғи Н. В. Переверзева, Қозоғистон Компартияси Қўстаной область комитетининг биринчи секретари В. П. Демиденко, Қозон электрон ҳисоблаш машиналари заводининг монтажчиси Г. П. Лоцманова, Белоруссия Компартияси Гродно область комитетининг биринчи секретари Л. Г. Клецков, СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Б. В. Бакин ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов катта нутқ сўзлади. Нутқ матбуотда эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми муҳокама этилган масалалар юзасидан бир овоздан қарор қабул қилди, қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўртоқ Г. А. Алиевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатдан Сиёсий бюро аъзолигига ўтказди.

Марказий Комитет Пленуми ўртоқ А. П. Кириленконинг соғлиғи ёмонлашганлиги муносабати билан ва унинг шахсий илтимосига кўра уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари вазифасидан озод қилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов ўртоқ А. П. Кириленко маҳаллий партия органларида ҳам, шунингдек КПСС Марказий Комитетида ҳам кўп йиллар актив ишлади ва биз унинг партия билан мамлакат олдидаги хизматларини муносиб қадрлаймиз, деб уқтириб ўтди.

Пленум ўртоқ Н. И. Рижковни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Марказий Комитет Пленуми СССР Давлат банки правлениесининг раиси В. С. Алхимов, Украина Компартияси Крим область комитетининг биринчи секретари В. С. Макаренко, Ростов областидаги «Путь Ленина» колхозининг комбайнчиси — звено бошлиғи Н. В. Переверзева ўртоқларни КПСС Марказий Комитетининг аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Леонид Ильич Брежнев хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорини маъқуллади. Қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

Шу билан Пленум ўз ишини тамомлади.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1983 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА СССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги Давлат плани ва СССР Давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқулланcин.

СССР Министрлар Совети мазкур лойиҳаларни СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этсин.

2. Ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг XXVI съезди ишлаб чиққан йўлни турмушга татбиқ этиш, коммунистик қурилиш вазифаларини амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг амалий фаолияти тўла-тўкис маъқулланcин.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети Пленумидаги нутқида баён этилган қоида ва хулосалар маъқулланcин ҳамда улар барча партия ташкилотларининг фаолиятига асос қилиб олинсин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, партия ташкилотлари, совет, касаба союз ва комсомол органлари, министрликлар ва идоралар навбатдаги хўжалик-сиёсий вазифаларни бажаришга, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга қаратилган ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий ишни авж олдириб юборсинлар; бу йилги топшириқларни муваффақиятли тугаллаш, 1983 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планини тўла ҳамда ошириб бажариш учун зарур чораларни кўрсинлар.

Иқтисодий ва социал ривожланишнинг 1983 йилги планини муваффақиятли бажариш умуман беш йиллик учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, Марказий Комитет Пленуми партия, совет, хўжалик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг, меҳнат коллективларининг эътиборини партия XXVI съезди ўртага қўйган энг муҳим вазифа — ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашни кучайтириш ва халқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш вазифасини рўёбга чиқаришга бутун кучни сарфлашга қаратади. Хўжалик фаолиятини яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш учун мавжуд имкониятлардан максимал даражада фойдаланилсин. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида капитал қурилишни анча яхшилашга алоҳида эътибор берилсин, ёқилғи, хом ашё, металл ва бошқа материаллар, молия ва меҳнат ресурслари сарфлаш нормаларига риоя этиш юзасидан тегишли тадбирлар амалга оширилсин. Экономикани планлаштириш ва бошқаришни янада яхшилаш, хўжалик юритиш услуби ва методларини такомиллаштириш соҳасидаги иш даражасини ҳар томонлама ошириш энг муҳим вазифа, деб ҳисоблансин.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларини бажаришга, СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга, ёқилғи-энергетика комплексини планли равишда ривожлантиришга, совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтиришга биринчи даражали аҳамият берилиши лозим.

Шу муносабат билан ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, бошқарувнинг ҳар бир соҳасида давлат, меҳнат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга, ишдаги уюшқоқлик ва ишчанликни оширишга, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспортда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида социалистик мусобақани кенг қулоч ёздиришга, иқтисодий ривожланишнинг интенсив омилларидан, мавжуд резервлардан янада тўла-тўкис фойдаланишга, ҳамма турдаги ресурсларни тежашга, сифат кўрсаткичларини яхшилашга, камроқ чиқим қилиб энг кўп пировард натижаларга эришишга муҳим аҳамият берилиши лозим. Илмфан, техника ва илғор тажриба ютуқлари ишлаб чиқаришга сабот билан жорий этилсин. Қабул этилган қарорларнинг ижроси устидан қаттиқ контроллик таъминлансин.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлиги оширилсин ва биринчи галда социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик кенгайтирилсин ҳамда чуқурлаштирилсин.

3. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашиб, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг олтмиш йиллигини муносиб кутиб оладилар, 1983 йилни хўжалик ва маданий қурилишда янги зафарлар билан нишонлайдилар, мамлакатнинг Ленин йўлидан коммунизм сари янада муваффақиятли равишда олға боришини таъминлайдилар, деб комил ишонч изҳор этади.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1982 ЙИЛ 22 НОЯБРДАГИ ПЛЕНУМИДА

# КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. АНДРОПОВ НУТҚИ

Ўртоқлар!

Биз беш йилликнинг навбатдаги йили плани ҳамда бюджети лойиҳаларини муҳокама қилишни тугаллаяпмиз. Бизга тақдим этилган ҳужжатларда Сиёсий бюрода айтилган бир қанча муҳим мулоҳазалар ҳисобга олинган. Планни бажариш давомида Министрлар Совети бугун айтилган таклифларни ҳисобга олади, деб ўйлайман, ўртоқлар.

Пленумда сўзга чиққан ўртоқларнинг сўзларига қараганда биз яқдил бир фикрдамиз — умуман план ва бюджет лойиҳалари КПСС XXVI съезди йўл-йўриқларига мос бўлиб тушади ва маъқуллаш керак (**Қарсаклар**).

Хўш, план лойиҳасининг хусусиятлари нимадан иборат? Экономикани ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш, миллий даромад ўсишининг абсолют миқдорларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, чакана товар обороти ҳажмини кўпайтириш кўзда тутилган. Халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни давом эттириш мўлжалланади — тиғиз топшириқлар моддий чиқимлар ва меҳнат ресурслари нисбатан камроқ оширилган ҳолда бажарилиши керак.

Лойиҳада партиянинг меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўли сақлаб қолинганлигини таъкидлаш муҳимдир «Б» группаси тармоқларини илдам ўстириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш планлаштирилмоқда. Агросаноат комплексини янада ривожлантириш учун кўплаб моддий ва молиявий ресурслар ажратилмоқда. Аҳолининг реал даромадлари бундан буён ҳам ортиб бораверади. Уй-жой қурилиши ҳажми ҳам беш йиллик топшириқларига мувофиқдир.

Шундай қилиб, план лойиҳаси совет кишиси тўғрисида, унинг меҳнати ва турмуш шароити, уни маънавий камол топтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш партиянинг энг муҳим программавий қоидаси бўлиб қолаётганлигини тасдиқлайди.

Ҳамиша бўлганидек, мудофаа эҳтиёжлари етарли даражада эътиборга олинган. Сиёсий бюро зарур нарсаларнинг ҳаммасини айниқса ҳозирги халқаро вазиятда армия ва флотга етказиб беришни шарт деб ҳисоблаб келди ва шундай деб ҳисобламоқда.

Бюджет лойиҳаси халқ хўжалигини ва социал маданий ривожланишни маблағ билан таъминлаш имконини беради.

Ўртоқлар! Партия Марказий Комитетининг ушбу Пленуми ўн биринчи беш йиллик планларини амалга ошириш учун курашнинг муҳим босқичида — беш йилликнинг учинчи, таъбирҳоиз бўлса планнинг ўзаги бўладиган йил арафасида ўтмоқда. Биз талайгина ишлар қилдик. Аммо олдинда оғир ва қизғин ишлар турибди.

Беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида бир қанча энг муҳим кўрсаткичлар юзасидан план топшириқлари бажарилмай қолганлигига айниқса сизларнинг эътиборингизни жалб этмоқчиман. Табиийки, бу ҳол биз бугун муҳокама қилаётган лойиҳага ҳам таъсир ўтказмоқда.

Леонид Ильич Брежневнинг иқтисодий ривожланиш масалалари юзасидан сўнгги нутқлари, унинг Марказий Комитет Сиёсий бюросига ёзган хатлари Марказий Комитет аъзоларининг эсида турибди. У масалани шундай қўйган эди: биз партия съездлари ва Марказий Комитет пленумларида илмий асосланган иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқдик, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уни интенсивлаш йўлидан бора бошладик. Аммо хўжалигимизни ана шу изга ўтказиш, самарадорлик томон бурилиш ҳамон суст амалга оширилмоқда.

Экономика самарадорлигининг асосий кўрсаткичи — меҳнат унумдорлиги шундай суръат билан ўсмоқдаки, бу суръат бизни қаноатлантира олмайди. Хом ашё ва қайта ишловчи тармоқларни ривожлантиришдаги номутаносиблик проблемаси ҳамон мавжуд. Маҳсулотларга материал сарфи амалда камаймаяпти.

Планлар ҳамон катта-катта ҳаражатлар ва ишлаб чиқариш чиқимлари эвазига бажарилмоқда. Ҳали шундай хўжалик раҳбарлари борки, улар Леонид Ильичнинг экономика тежамли бўлиши керак деган чуқур маъноли сўзларини бажонидил такрорлаб, амалда шу вазифани ҳал этиш учун тузукроқ бир иш қилаётганлари йўқ.

Афтидан инерция кучи, эски одатлар ҳамон амалда қолаётган бўлса керак. Эҳтимол баъзи бировлар ишга қандай киришиш кераклигини ҳам билмаётгандирлар. Бундай ўртоқларга қандай ёрдам беришлари кераклиги тўғрисида ўйлаб кўриш зарур. Энг асосий вазифа эса экономикага раҳбарлик қилишнинг барча соҳасини — бошқариш, планлаштиришни, хўжалик механизмини такомиллаштириш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан иборатдир.

Сифатли, унумли меҳнатни, ташаббускорлик ва омилкорликни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар — иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни вужудга келтириш зарур.

Ва аксинча, яхши ишламаслик, сусткашлик, масъулиятсизлик ходимларни моддий тақдирланишига ҳам, хизмат мавқеига ҳам, маънавий обрў-эътиборига ҳам бевосита ва муқаррар тарзда таъсир этиши керак. (**Қарсаклар**).

Умумдавлат, умумхалқ манфаатларига риоя этилиши учун масъулиятни кучайтириш, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликка қатъиян барҳам бериш зарур. Аввалги қарорлар бажарилган ёки қандайдир янги ҳолатлар вужудга келган тақдирдагина айни бир масала юзасидан янги қарор қабул этилишини қоида қилиб қўйиш керак. Партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига қарши қатъий кураш олиб бориш лозим. Бунда бизни партия ва касаба союз ташкилотлари тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларига, барча совет кишилари қўллаб-қувватлашларига аминман. (**Қарсаклар**).

Кейинги вақтларда бирлашмалар ва корхоналарнинг, колхозлар ва совхозларнинг мустақиллигини кенгайтириш кераклиги тўғрисида кўп гапирилмоқда Бу масалани ҳал этишга амалда ёндошиш пайти келди деб ўйлаймиз. Бу хусусда Министрлар Совети билан Госпланига топшириқлар берилган. Бунда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш, керак бўлиб қолган тақдирда экспериментлар ўтказиш, қардош мамлакатларнинг тажрибасини ҳам чамалаб кўриш, ҳисобга олиш лозим. Мустақилликнинг кенгайтирилиши ҳамма ҳолларда масъулиятнинг оширилиши билан, умумхалқ манфаатлари тўғрисидаги ғамхўрлик билан қўшиб олиб борилиши керак.

Биз халқ хўжалигида катта-катта резервларга эгамиз. Бугунги нутқларда ҳам шу ҳақда гапирилди. Бу резервларни фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдан, фан, техника ютуқларини ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг кўламда ва тезроқ жорий этишдан қидириб топиш лозим. Ўз-ўзидан равшанки бу янги масала эмас, бу масала партия съездларида ва Марказий Комитет Пленумларида неча марталаб ўртага қўйилган эди. Шундай бўлса ҳам иш секинлик билан силжиб бормоқда. Нима учун? Бунинг жавоби ҳам аллақачон маълум: янги методни, янги техникани жорий этиш учун ишлаб чиқаришни бирон бир тарзда қайта ташкил этиш керак бўлади, бу эса планнинг бажарилишига таъсир қилади. Бунинг устига ишлаб чиқариш планлари бажарилмаганлиги учун жавоб талаб қилишади, янги техника суст жорий этилган тақдирда эса нари борса койиб қўйишади.

Модомики биз янги техникани ва меҳнатнинг янги методларини жорий этиш ишини ҳақиқатан ҳам олға силжитишни истар эканмиз, бу ҳолда марказий хўжалик органлари, Фанлар академияси, фан ва техника давлат комитети, министрликлар уларни шунчаки пропаганда қилиб қолмасдан балки фан-техника тараққиётига ҳалақит бераётган конкрет қийинчиликларни аниқлашлари ва бартараф этишлари керак. Планлаштириш методлари ва моддий рағбатлантириш системаси фан билан ишлаб чиқаришни бирлаштиришга кўмаклашиши лозим. Янги техникани дадиллик билан жорий этаётган кишилар ноқулай аҳволда қолмасликлари керак.

Моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш яна бир катта резервдир. 1983 йил планида ана шу ресурсларни тежаш юзасидан оширилган топшириқлар белгиланади. Ўртоқларнинг эътиборини шунга жалб этмоқчиманки, ҳозир моддий ресурсларни тежаш тўғрисидаги масалага «тежадингми — яхши, тежамаган экансан — бу ҳам бўлаверади» қабилида эмас, балки янгича назар билан қараш керак.

(Давоми 2-бетда).

## КПСС МАРКАЗИЙ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИДА

22 ноябрь куни КПСС Марказий ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда комиссия раиси Г. Ф. Сизовнинг КПСС Марказий ревизия комиссиясининг 1982 йилги фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди. У КПСС Марказий ревизия комиссияси, аввалгидек, КПСС уставига асосланиб, партия Марказий органларида, КПСС Марказий Комитетининг кассалари ва корхоналарида ишларнинг ўтиш тезлиги ва тўғрилигини ревизия қилиш масалаларига асосий эътибор берганлигини уқтириб ўтди. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ишида маҳаллий партия ташкилотларининг ревизия комиссиялари ишига ёрдам беришга катта ўрин ажратилди.

КПСС Марказий ревизия комиссияси қардош Коммунистик ва ишчи партияларнинг ревизия комиссиялари билан иш тажрибасини ўртоқлашишни давом эттирди.

Мажлисда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг 1983 йилги иш плани кўриб чиқилди ва тасдиқланди.



КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Гейдар Алиевич АЛИЕВ

Ўртоқ Г. А. Алиев 1923 йилда ишчи оиласида туғилди. 1945 йилдан КПСС аъзоси. С. М. Киров номидаги Озарбайжон Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган.

Нахичеван АССР Халқ комиссарлар советининг бўлим мудири бўлиб ишлаган. Сўнгра Давлат хавфсизлиги органларида ишлаб оддий оператив ходимдан Озарбайжон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган.

1969 йил июлида Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

КПСС XXIV, XXV ва XXVI съездларида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланди. 1976 йил мартидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Бир қанча чақириқ СССР Олий Советининг депутати.

# КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. АНДРОПОВ нутқи

(Бошн 1-бетда).

Эндиликда тежамкорлик, халқ бойлигига нисбатан омилкорлик билан муносабатда бўлиш — планларимизнинг реаллиги тўғрисидаги масаладир. Бинобарин, унинг ҳал этилишини даставвал СССР Госплани ва СССР Госснаби, министрликлар ва идоралар томонидан кўриладиган амалий тадбирларнинг бутун бир системаси билан таъминлаш зарур. Барча партия комитетлари, партия ташкилотлари катта ишларни амалга оширишлари керак бўлади.

Бизда ижодий ишлаш, халқ бойлигига чинакам омилкорлик билан муносабатда бўлиш намуналари оз мунча эмас. Аммо, афсуски, бу тажриба етарли равишда оммалаштирилмаяпти. Ваҳоланки, бунда кўпинча алоҳида сарф-ҳаражат талаб этилмайди. Демак, бошқа нарса — хўжасизликка, исрофгарчиликка қарши қатъий кураш ва ташаббускорлик етишмайди.

Бу вазифани корхоналаримиз, колхозларимиз ва совхозларимиздаги ҳар бир ишчининг, ҳар бир меҳнаткашнинг иштироки билангина ҳал этиш мумкинлиги равшан. Улар бу вазифани ўз ишлари деб қабул қилишларига эришиш керак.

Умуман, ўртоқлар, халқ хўжалигида етилган муҳим вазифалар кўп. Уларни ҳал этиш учун менда тайёр йўл-йўриқлар йўқ албатта. Лекин биз ҳаммамиз — партия Марказий Комитети ана шу йўл-йўриқларни топишимиз керак албатта. Ўз мамлакатимиз ва жаҳон тажрибасини умумлаштириб, энг яхши амалиётчи ходимлар ва олимларнинг билимларини жамлаб, йўл-йўриқларни топиш керак. Хуллас, шиорларнинг ўзи билангина ишни жойдан силжитиб бўлмайди. Партия ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг, инженер-техник ходимларнинг катта ташкилотчилик иши зарур, ана шу жуда катта муҳим вазифаларнинг ҳар бирини фақат бир тармоқ нуқтаи назаридангина эмас, шу билан бирга ҳар бир завод, ҳар бир цех, участка ва ҳатто ҳар бир иш жойини назарда тутиб ҳам кўриб чиқиш лозим.

Бу масалалар — мамлакат учун ҳам биринчи даражали ҳаётий муҳим масалалар эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Шу масалаларни муваффақиятли ҳал этсак, экономика тобора ўсиб, халқ фаровонлиги ҳам ошаберади.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирлар планларимизда асосий ўринни эгаллаган.

Марказий Комитетнинг 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошириш борасидаги биринчи қадамларни бирмунча қийин вазиятда қўйишга тўғри келди. Об-ҳаво бу йил ҳам инжиқлигини қўймади. Шу боисдан қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона ишларини қайд этиб ўтиш муҳимдир. Шу туфайли, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги туфайли бир қанча областлар, ўлкалар ва республикалар яхшигина натижаларга эришдилар. Донли экинлар ҳосили бултургига қараганда анча кўпайди, пахта, сабзавот, узумдан етиштирилган ҳосил чакки эмас. Сут ва тухум етиштириш кўпайди. Саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари тобора кенгаймоқда. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш тўғрисида қилинаётган ғамхўрлик ҳам ўзини оқламоқда. Шу билан бирга баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги узилишлар ҳамон бартараф этилгани йўқ.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш бир йиллик иш эмаслигини ҳамма тушунади албатта. Дарҳақиқат шундай, лекин биз бошқа бир нарсани ҳам дангал айтишимиз керак: озиқ-овқат программаси бажарилишини чўзиб юбориш ҳам мумкин эмас. Агросаноат комплексининг ходимлари куч-ғайратларини кун сайин ошириб, шу вазифани ҳал этишга сарфланаётган жуда катта маблағлар бугунок самара берадиган ва эртага эса яна ҳам кўпроқ самара берадиган даражада меҳнат қилишлари керак.

Сиёсий бюро партия комитетларининг бўлажак пленумлари ва активларида, келгуси йил планларини кўриб чиқадиган халқ депутатлари советларининг сессияларида Марказий Комитет 1982 йил май Пленуми қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳам муҳокама этилиши лозим деб ҳисоблайди. Биз экономиканинг мана шу муҳим соҳасидаги барча амалий ишларимизни озиқ-овқат программаси билан мувофиқлаштиришимиз керак.

Қишлоқ хўжалик йилини яхши тугаллаш, йиғиб-териб олинган ҳосилни сақлаш, келгуси йил ҳосилига замин ҳозирлаш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш кераклиги тўғрисида батафсил гапириб ўтирмайман. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан равшан ишлардир. Ҳеч пайсалга солмасдан янги вазифаларни ҳал этишга ўтиш, уларни агросаноат комплексини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқиб, гап иккинчи даражали вазифалари бўлмаган комплекс тўғрисида бораётганлигини назарда тутиш лозим.

1983 йилги планда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга катта эътибор берилади. Леонид Ильич бунга алоҳида аҳамият берган эди. Вазифа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдангина эмас, шу билан бирга уларнинг сифатини анча оширишдан ҳам иборатдир. Бу гап енгил ва маҳаллий саноатгагина эмас, балки шу билан бирга оғир ва мудофаа индустрияси корхоналарига ҳам тааллуқлидир.

Маҳаллий партия ва совет органлари кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга бевосита киришишлари керак. Ўртоқ Байбаков бу ерда шу ҳақда мутлақо тўғри гапирди. Дарҳақиқат, бир қанча оддий молларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги масала оз бўлмаса СССР Госпланида ҳал этилишини нормал ҳол деб бўлмайди. Бу вазифани маҳаллий органлар ўз зиммасига олиб, унинг ҳал этилиши учун тўла жавобгар бўлишлари керак.

Энди саноатнинг база тармоқларини ривожлантиришнинг айрим энг муҳим проблемаларига тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз. Даставвал, ёқилғи-энергетика комплексини янада ривожлантириш тўғрисида. 1983 йилда бирламчи энергетика ресурсларини сал кам 41 миллион тонна шартли ёқилғи миқдорида ўстириш планлаштирилаётганлиги биз бемалол бажараоладиган вазифадир. Бу — барча энергетика системаларининг узлуксиз, бир маромда ишлашини таъминлаш имконини беради.

Кўмир, табиий газ, нефть, нефть маҳсулотларидан, иссиқлик ва электр энергиясидан омилкорлик билан фойдаланиш жуда муҳимдир. Бу нарса барча тармоқларни муайян қайта қуришни ва даставвал энергияни тежайдиган техника ва технология кенг жорий этилишини, нормативлар яхшиланишини, тежамкорлик учун курашда моддий ва маънавий стимуллардан фойдаланишни, ортиқча ҳаражат учун, нормалар ва лимитларни ошириб юборганлик учун қатъийроқ талабчанлик бўлишини тақозо қилади, албатта.

СССР Олий Советининг бўлажак сессиясида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советида энергетика бўйича доимий комиссияларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифни киритиш назарда тутилмоқда. Ана шу доимий комиссиялар министрликларнинг ишини контроллик қилиб, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланилмаётганлиги учун ҳар қандай лавозимдаги хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанлик қила оладилар.

Ўлкалар, областлар ва республикаларда ташкил этилган ҳамда корхоналарда шу иш қандай йўлга қўйилганлигини контроллик қилиши лозим бўлган комиссияларнинг ишини активлаштириш керак.

Сиёсий бюро транспортдаги ишларнинг аҳволидан ташвишланмоқда. Темир йўллар министрлиги халқ хўжалигининг ёқилғи, ёғоч-тахта, бошқа юкларни ташиб беришга бўлган эҳтиёжларини ҳамон таъминламаяпти. КПСС Марказий Комитети шу хусусда маҳаллий советлар ва хўжалик органларидан кўпдан-кўп сигнал олмоқда. Бугун Марказий Комитет Пленумида ҳам шу ҳақда гапирилди.

Ҳукумат темир йўллар министрлигига катта ёрдам бераётганига қарамай, темир йўлларнинг иш кўрсаткичлари, афсуски, йил сайин ёмонлашиб бормоқда. Шу министрлик бўйича капитал маблағлар ҳажми 1975 йилга нисбатан 43 процент ошди, магистрал тепловозлар ва электровозлар миқдори эса 23 процент кўпайди.

КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат темирйўлчиларнинг социал шароитларини яхшилаш, транспортда хўжалик механизмини такомиллаштириш юзасидан бир қанча қарорларни қабул қилдилар. Аммо кўрилган тадбирлар ҳали етарлича самара бераётгани йўқ.

Темир йўллар министрлигида локомотивларни ремонт қилиш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш, поездлар ҳаракатини ташкил этиш ишлари паст даражада олиб борилмоқда. Афтидан шу министрликнинг раҳбарларигина эмас, СССР Министрлар Совети билан КПСС Марказий Комитети ҳам бу ерда Пленумда айтилган мулоҳазалардан жиддий хулосаларни чиқариб олишлари керак.

Қора металлургия корхоналари ишида бўлаётган ўзилишлар кўпайиб қолди. Бу тармоқ бултур ҳам, бу йил ҳам план топшириқларини уддалай олмаяпти. Халқ хўжалигига бир неча миллион тонна прокат кам етказиб берилди. Шу тармоқдаги ишларнинг аҳволи учун даставвал қора металлургия министрлиги жавоб бериши керак. Объектив қийинчиликлар ҳам бор албатта. Асосий фондларнинг талайгина қисми реконструкция қилиниши, янгиланиши керак. Госплан, Госснаб ва машинасозлик министрликлари томонидан министрликка жиддий ёрдам берилиши зарур.

Биз экономикани ривожлантиришга, янги қувватларни вужудга келтиришга, уйжой ва маданий-маиший қурилишга жуда кўп маблағ сарфламоқдамиз. Ана шу маблағлардан самарали фойдаланиш ниҳоятда муҳим вазифадир. Шу билан бирга капитал қурилиш соҳасида ҳамон талайгина проблемалар бор. Куч ва маблағларни кўпдан-кўп объектларга тарқатиб юборишга қарши яна ҳам қатъийроқ курашиш керак. Реконструкция қилиш ва янгилаш ҳиссасини кўпайтириш, янги қурилишлар миқдорини камайтириш лозим. Қурилиш ишларининг ташкил этилиши ҳам кўп жиҳатдан бизни қаноатлантирмайди. Бундаги мавжуд камчиликлар йил сайин қувватларни ишга тушириш планлари бажарилмаслигига олиб келмоқда. Бир қанча қурилиш министрликлари қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини камайтирмоқдалар, ваҳоланки ҳукумат ана шу министрликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун талайгина молиявий ресурслар, машина ва ускуналар бериб турибди. Кўп жойларда қурилиш-монтаж ишлари сифати паст бўлиб қолмоқда. Қурилиш ташкилотларининг омилкорлиги етарли эмас.

Мазкур камчиликларни бартараф этишга қаратилган кўпгина қарорлар қабул қилинган, бу қарорларни бажариш лозим. Капитал қурилишда тартиб ўрнатиш — энг асосий халқ хўжалик вазифаларидан биридир.

Бугун хўжаликнинг бошқа соҳаларига ва тармоқларига тўхталиб ўтмайман. Уларнинг ҳаммаси жамиятимиз, халқимиз учун муҳимдир. Зотан ҳар бир министрлик ва идора ишларнинг аҳволини ғоят зўр эътибор бериб қайта-қайта анализ қилиши, мавжуд проблемаларни ҳал этиш чораларини белгилаб, амалга ошириши керак. Тармоқнинг доимо ортиб бораётган жамоат эҳтиёжларини қай даражада қондирганлиги — уларнинг ўз ишларига баҳо бериши учун асосий мезондир.

Экономикани муттасил юксалтириш, халқ фаровонлигини яхшилаш — ҳам совет кишилари олдидаги бурчимиз, ҳам интернационал бурчимиздир. Партия масалани шу тарзда ўртага қўйиб, Лениннинг биз халқаро революцияга асосан ўз хўжалик сиёсатимиз билан таъсир кўрсатмоқдамиз, деган башоратли кўрсатмасига амал қилиб келмоқда.

Ўртоқлар!

Леонид Ильич Брежневнинг вафотидан сўнг чет эдларда КПСС билан Совет давлатининг халқаро ишлардаги бўлажак йўли ҳусусида бир талай тахминлар айтилди. Кейинги йилларда Совет Иттифоқига турли-туман ёвуз ниятларни тўнкаш, бизнинг сиёсатимизни гоҳ у, гоҳ бу давлатнинг хавфсизлигига тахлика солувчи агрессив сиёсат деб тасвирлашга қанчадан-қанча уринишлар қилинганини ўйлаб кўринг. Энди маълум бўлишича, бу сиёсат ўзгармасин деб ташвишга тушмоқдалар. Бу сиёсатнинг сақланиб қолишини халқаро майдонда тинчлик ва осойишталикнинг муҳим шарти деб билмоқдалар.

Бутун масъулият билан шуни айтишим керак: совет ташқи сиёсати партиямизнинг XXIV, XXV ва XXVI съездлари қарорларида белгиланганидек бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Мустаҳкам тинчликни таъминлаш, халқларнинг мустақилликка ва социал тараққиётга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — ташқи сиёсатимизнинг ўзгармас мақсадларидир. Партия билан давлат раҳбарлари шу мақсадлар учун курашда принципиаллик, изчиллик ва вазминлик билан ҳаракат қилаверадилар. **(Қарсаклар).**

Ҳозирги халқаро вазиятдаги қийинчиликларни ва кескинликни бартараф этиш мумкин ва лозим деб ҳисоблаймиз. Инсоният ўз келажагини таҳлика остига қўйишни истамас экан, қуролланиш пойгасига ва урушларга доимо тоқат қилавермаслиги керак. КПСС ғоялар баҳси давлатлар ва халқлар ўртасидаги мухолифликка айланиб кетишига қаршидир, қурол-яроғ ва уни ишлатишга тайёр бўлиб туриш ижтимоий системалар имкониятларининг мезони бўлиб қолишига қаршидир.

Империализмнинг агрессив кирдикорлари бизни қардош социалистик давлатлар билан биргаликда мудофаа қобилиятини лозим даражада сақлаб туриш ҳақида ғамхўрлик қилишга ва жиддий равишда ғамхўрлик қилишга мажбур этмоқда. Бироқ, Леонид Ильич бир неча бор таъкидлаб айтганидек, ҳарбий йўлдаги рақобат — биз танлаб олган йўл эмас. Қурол-яроғларсиз тинчлик — социализм идеалидир.

Социалистик ҳамдўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ҳақида партиямиз зўр ғамхўрлик қилаверади. Бизнинг кучимиз, ҳатто энг жиддий синовларда ҳам пировард муваффақиятнинг гарови биргаликдадир.

Социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг ҳамма режалари — тинчлик ва бунёдкорлик режаларидир. Биз қардош мамлакатларнинг ўртоқларча ҳамкорлиги ва социалистик ўзаро ёрдами тобора чуқурлашиб, тобора самаралироқ бўлиб боришига, шу жумладан илмий-техникавий, ишлаб чиқариш транспорт, энергетика вазифалари ва бошқа вазифаларни биргаликда ҳал этишда ҳам мана шундай бўлишига интилаяпмиз. Ҳозир шу соҳада бундан буён биргаликда кўриладиган тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

КПСС билан Совет давлати барча социалистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш ва яхшилашни астойдил ҳоҳлайдилар. Ҳар иккала томоннинг ҳолис нияти, бир-бирининг ҳаққоний манфаатларини ҳурмат қилиши, социализм ва тинчлик манфаатлари тўғрисидаги муштарак ғамхўрлик турли сабабларга кўра, ҳали ҳам лозим даражада ишонч ва ҳамжиҳатлик бўлмаган соҳаларда ҳам тўғри қарорларга келиш йўлини топиб бериши лозим.

Бу гап улуғ кўшнимиз — Хитой Халқ Республикасига ҳам тааллуқлидир. Леонид Ильич Брежневнинг Тошкентдаги ва Бокудаги нутқларида таърифлаб берилган ғоялар, унинг соғлом ақл-идрокка амал қилишда ҳурофотлар инерциясини бартараф этиш зарурлигини уқтирганлиги бутун партиямизнинг эътиқодини, унинг олдинга қарашга интилганлигини ифодалади. Биз ҳам Хитой томонининг бунга жавобан қилаётган ҳар бир ижобий ишига зўр эътибор билан қараяпмиз.

Қўшилмаслик ҳаракатини вужудга келтирган давлатлар группасининг халқаро турмушдаги аҳамияти ошиб бормоқда. Уларнинг кўплари билан Совет Иттифоқи ҳар томонлама дўстона алоқалар ўрнатган, бу алоқалар иккала томонга фойда келтирмоқда ва дунёда кўпроқ барқарорлик бўлишига кўмаклашмоқда. СССРнинг Ҳиндистон билан муносабатлари бунинг намунасидир. Мустамлакачилик зулмидан ҳалос бўлган давлатлар билан, ўз мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқлар билан бирдамлик совет ташқи сиёсатининг энг муҳим принципларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб бизнинг давлатимиз ошкора, ҳалол ҳамкорликни ҳоҳловчи барча мамлакатлар билан шундай ҳамкорлик қилишга тайёр эканини доимо изҳор этиб келмоқда. Ижтимоий системалардаги тафовутлар бунга халақит бермаслиги керак — иккала томондан холис ният бўлган тақдирда ҳалақит бермайди ҳам. СССРнинг Ғарбий Европадаги кўпгина мамлакатлар билан тинч ҳамкорликни ривожлантиришдаги сезиларли тараққиёти бунинг яққол тасдиғидир.

Кескинликни юмшатиш белгиси остида ўтган 70-йиллар, ҳозир баъзи бир империалист арбоблар даъво қилаётганидек, инсониятнинг қийин тарихидаги тасодифий эпизод бўлмаганлигига бизнинг ишончимиз комил. Йўқ, кескинликни юмшатиш сиёсати — асло ўтиб кетган босқич эмас. Бу сиёсатнинг келажаги порлоқ. **(Қарсаклар).**

Тинчлик ва кескинликни юмшатишни сақлаб қолишдан ҳамма баббаравар манфаатдордир. Шу сабабли муносабатларни нормаллаштиришга тайёрлик Совет Иттифоқи бунинг учун жуда турли соҳаларда олдиндан қандайдир ён бериш билан ҳақ тўласин, деган талаблар билан боғлиқ қилиб қўйилаётган баёнотларни, юмшоқ қилиб айтганда ножиддий баёнотлар деб атамоқ керак. Биз бундай қилмаймиз. **(Қарсаклар).** Сирасини айтганда, бизнинг бекор қиладиган ҳеч бир ишимиз йўқ: биз ҳеч кимга қарши жазо чоралари жорий этган эмасмиз, имзоланган шартнома ва битимлардан қайтган эмасмиз, бошланган музокараларни тўхтатиб қўйган эмасмиз. Яна такрор айтмоқчиман — Совет Иттифоқи битимга келиш тарафдоридир, аммо бунинг йўлини ўзаролик ва тенг ҳуқуқлилик асосида қидириб топмоқ керак. **(Қарсаклар).**

Биз аввало, қуролланиш пойгасини жиловлаш масалалари хусусида АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатлари билан ўтказилаётган музокараларнинг маъносини ихтилофларни қайд этишдан иборат деб билмаймиз. Биз учун музокаралар — иккала томон учун фойдали натижаларга эришиш йўлида турли давлатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш усулидир. Бахтга қарши, кўпинча бўлиб турганидек, номигагина музокара ўтказиш учун музокаралар олиб борилаверса, проблемалар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетабермайди. Биз энг мураккаб масалаларни ва аввало, албатта, ҳам ядровий, ҳам оддий қурол-яроғлар пойгасини жиловлаш проблемаларини ҳал этишнинг соғлом, томонлар учун мақбул асосларини қидириб топиш тарафдоримиз. Аммо ҳеч ким биздан бир томонлама қуролсизланишимизни кутмай кўя қолсин. Биз гўл кишилар эмасмиз. **(Қарсаклар).**

Биз Ғарбнинг бир ёқлама қуролсизланишини талаб қилмаймиз. Биз — тенг ҳуқуқлилик тарафдоримиз, иккала томоннинг манфаатлари эътиборга олиниши тарафдоримиз, ҳалол битим тузилиши тарафдоримиз. Биз шундай қилишга тайёрмиз. **(Қарсаклар).**

Жумладан, СССР ва АҚШ ихтиёрида бўлган стратегик вазифаларни бажарувчи ядро қуролига келганда, Совет Иттифоқи бўлажак битимга эришиш йўлидаги биринчи қадам сифатида иккала томон ўз аслаҳахоналарини кўпайтирмай қўйишларига ва шу тариқа уни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги музокараларни давом эттириш учун тағин ҳам қулай шароит яратишларига рози эканлиги маълум.

Гўё куч, қурол ҳамма нарсани ҳал этмоқда ва доимо ҳал этади, деган гапни одамларга уқтиришга уринаётган кимсаларнинг нуқтаи назарини СССР умуман рад этади. Эндиликда халқлар тарих саҳнасига илгари мисли кўрилмаган даражада чиқиб бормоқда. Улар ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга бўлиб қолдилар, уларнинг овозини ҳеч ким бўға олмайди. Улар собитқадамлик билан актив ҳаракат қилиб ядро уруши хавфини даф қила оладилар, тинчликни, бинобарин, ер юзида ҳаётни сақлаб қола оладилар. Зотан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет Давлати айни шундай бўлиши учун ҳамма ишни қилаверадилар. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар!

КПСС XXVI съезди партиянинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ўн биринчи беш йиллик даврига ва умуман 80-йилларга конкретлаштириб берди. Бу стратегия совет кишилари йилдан-йилга яхшироқ яшашларига ва уларнинг меҳнати тобора салмоқли натижалар беришига, социалистик тузумимиз ўзининг инсонпарварлик моҳиятини, ўзининг бунёдкорлик имкониятларини янада тўлиқроқ намоён этишига қаратилгандир.

Иқтисодий ва социал тараққиётнинг барча соҳаларида катта-катта ва талай даражада янги вазифалар ўртага қўйилган. Муваффақият кўпгина омилларга ва даставвал Марказий Комитетнинг собитқадам коллектив ишига, партия, давлат хўжалик органларининг, барча меҳнат коллективларининг фаолиятини энг муҳим йўналишларга қарата олиш йўлида сиз билан бизнинг маҳоратимизга боғлиқдир албатта.

Ихтиёримизда бўлган барча мавжуд воситаларни сафарбар этиш, 1983 йилги план топшириқларини кенг пропаганда қилиш ва тушунтиришни авж олдириб юбориш керак. Бу топшириқлар ҳар бир корхона, ҳар бир меҳнат коллективининг вазифаларига тадбиқан конкретлаштириб берилиши лозим. Бу биринчидан.

Иккинчидан, ҳал қилувчи соҳаларда сиёсий етук, билимдон, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлган, янгиликни ҳис эта биладиган кишилар туриши учун кадрларни жой-жойига тўғри қўйиш керак. Бизнинг давримизда янгиликни ҳис этмай туриб, замонавий ишлаб чиқаришга муваффақиятли раҳбарлик қилиш мумкин эмас. **(Қарсаклар).**

Учинчидан, меҳнаткашлар оммаси ўзининг активлигини кучайтириши зарур. Ҳозирги кунда бу партия комитетларининг, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ғоят муҳим вазифасидир. Партия ғоялари, режалари, даъватлари омманинг қалби ва онгидан жой олган тақдирдагина моддий куч бўлиб қолиши маълум. Ҳозир ҳар бир меҳнаткаш планнинг бажарилиши у қўшадиган меҳнат ҳиссасига ҳам боғлиқ эканлигини тушуниб олиш, биз қанчалик яхшироқ меҳнат қилсак, шу қадар яхшироқ яшашимиздан иборат оддий ҳақиқатни ҳамма яхши тушуниб олиши айниқса муҳим ва зарур. Ленин таъкидлаганидек, планларимизнинг, ишлаб чиқариш соҳасидаги вазифаларимизнинг кўлами қанчалик кенг бўлса, «одамлар шу қадар кўп бўлиши керак ва бу вазифани мустақил равишда ҳал қилишга миллионлаб кишиларни жалб этиш лозим».

Демак, социалистик демократияни ғоят кенг маънода бундан буён ҳам ривожлантиравериш, яъни меҳнаткашлар оммаси давлат ва жамоат ишларини бошқаришда тобора актив қатнашиши зарур. Бунда ходимларнинг эҳтиёжлари ҳақида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш қанчалик муҳим эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, албатта.

Биз партия ва давлат ҳаётида мустаҳкам қарор топган ленинча нормалар ва принципларга ҳамиша ва астойдил содиқ бўлиб қоламиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Олдимизда жуда катта, мураккаб вазифалар турибди. Лекин бизнинг партиямиз бу вазифаларни уддалайди.

Леонид Ильич Брежнев билан видолашиш кунлари Коммунистик партиямиз билан совет халқи ажралмас эканлигини, улар Ленин йўлидан қатъий ва оғишмай олға боришдан иборат ягона муддао билан яшаётганликларини бутун дунёга яна бир бор кўрсатди.

Совет кишилари марксизм-ленинизм ғояларига астойдил содиқликларини, жонажон партияга жуда чуқур ҳурмат ва меҳр-муҳаббатни, уюшқоқликни, сабот-матонатни, ўз кучларига комил ишончни яна бир бор намойиш этдилар.

Биз кўп миллатли социалистик давлатимиз тарихидаги муҳим воқеа — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини кутиб олмоқдамиз. Шу кунларда совет кишилари ўзларининг энг яхши фикр-ўйларини ленинчи партиямизга қаратмоқдалар. СССРни ташкил этиш сарчашмасида турган ленинчи партиямиз мамлакатимиз халқларини коммунизм қурилиши йўлидан донолик билан олға бошлаб бормоқда.

Партия билан халқ бирлигини мустаҳкамлаш, улуғ Ленин васиятларига қатъий амал қилиш — келгусидаги барча ғалабаларимизнинг гаровидир! **(Давомли қарсаклар).**

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

22 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлис иштирокчилари бир дақиқа сукут сақлаб Леонид Ильич Брежнев хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар. Совет Давлати ривожланишининг ғоят муҳим даври Леонид Ильич Брежневнинг Президиум Раиси лавозимидаги иши билан боғлангандир. Л. И. Брежневнинг Совет Давлати бошлиғи лавозимидаги кўп қиррали самарали фаолияти халқ ҳокимияти органларининг обрў-эътиборини оширишга, СССР Олий Совети, унинг Президиуми ишини сифат жиҳатдан янада юксак даражага кўтаришга ёрдам берди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумини, Ленин йўлидан олға бориш, ички ва ташқи сиёсат соҳасида у ишлаб чиққан йўлни изчиллик билан ўтказиш юзасидан Пленумда изҳор этилган қатъий қарорни СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари мамнуният билан қабул қилдилар. СССР Олий Совети Президиуми халқ вакиллари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари қарорларини амалга ошириш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қиламиз, деб мамлакат ҳокимияти Олий органининг барча депутатлари номидан КПСС Марказий Комитетини, унинг Сиёсий Бюросини ишонтирди.

Президиум ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Мамлакат Давлат ҳокимияти олий органи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги таклифлар муҳокама этилиб, маъқулланди. Мажлисда В. В. Кузнецов шу масалалар юзасидан нутқ сўзлади.

СССР Олий Совети палаталари план — бюджет комиссиялари раислари Г. И. Вашченко ва Н. И. Масленниковнинг ахборотига мувофиқ СССР ни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги Давлат планини ва 1982 йилги план қандай бажарилаётганлигини, СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетини ва 1981 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни олдиндан кўриб чиқиш юзасидан СССР Олий Совети палаталари план — бюджет комиссияларининг ва бошқа доимий комиссияларнинг иши тугаганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Палаталарнинг план — бюджет комиссиялари ва бошқа доимий комиссиялари катта ва фойдали иш қилганликлари мажлисда қайд этиб ўтилди. Бу иш асосан КПСС XXVI съезди, унинг Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари асосида СССР Министрлар Совети тақдим этган ҳужжатларни ҳар томонлама анализ қилишга, партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини изчиллик билан ўтказиш учун барча резервлар ва имкониятларни қидириб топишга қаратилгандир.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиуми СССР Давлат чегараси тўғрисида СССР қонуни лойиҳаси ҳақида Миллатлар Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияси раиси И. М. Ярковойнинг ахборотини тинглади. Президиум палаталар қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиялари министрликлар ва идоралар билан биргаликда катта иш қилганликларини, бу иш қонун лойиҳасида ва комиссияларнинг хулосаларида ўз ифодасини топганлигини таъкидлади. Қонун лойиҳаси практика талабларини тўла даражада акс эттиради, партиянинг сиёсий йўлига, социалистик Ватанни ҳимоя қилиш, унинг территорияси дахлсизлигини таъминлаш соҳасидаги партия йўл-йўриқларига мосдир.

СССР Давлат чегараси тўғрисидаги қонун лойиҳасини СССР Олий Советининг еттинчи сессияси муҳокамасига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

СССР Олий Совети Президиуми секретари М. П. Георгадзе ахборотига мувофиқ СССР Олий Совети Президиумининг СССР Олий Совети олтинчи ва еттинчи сессиялари ўртасидаги даврда қабул қилган фармонларини СССР Олий Советининг тасдиғига киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Президиум мажлисида давлат ҳаётининг баъзи бир бошқа масалалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидатлар Т. Я. Киселев, Ш. Р. Рашидов, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосарлари ва Президиуми аъзолари, СССР бир қанча министрликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

# ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, Коммунистик партия билан совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, тинчтик ва коммунизм учун оташин курашчи Леонид Ильич Брежневнинг тарихий хизматларини эътиборга олиб ҳамда унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қиладилар:

1. Набережние Челни шаҳрининг номи ўзгартирилиб, Брежнев шаҳри;

Москва шаҳридаги Черемушки райони Брежнев райони;

Днепродзержинск шаҳридаги Заводский райони Брежнев райони деб аталсин.

2. Осколь электрометаллургия комбинатига;

«Южний машиностроительний завод» ишлаб чиқариш бирлашмасига;

Новороссийск цемент комбинатига;

Атом энергетика машинасозлигининг Волго-Дон «Атоммаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига;

Тожикистон ССРдаги Норак ГЭСига;

Қўстанай областининг Қўриқ совхозига;

Молдавия ССР Оргеев районидаги «Вяцаноуэ» колхозига;

Днепропетровскдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли металлургия институтига;

Звездний шаҳарчасига (Москва области);

«Арктика» атом музёрар кемасига;

Мудофаа Министрлигининг Олий ҳарбий билим юртига;

Л. И. Брежнев хизмат қилган таълим танк дивизиясига;

Днепродзержинск шаҳридаги 1-ўрта мактабга;

Москва, Ленинград, Киев, Олмаота ва Днепропетровск шаҳарларидаги биттадан янги майдонга;

Ҳарбий Денгиз Флотининг кемасига;

Денгиз пассажир кемасига Л. И. Брежнев номи берилсин.

3. Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетининг, Л. И. Брежнев номидаги Днепропетровск металлургия институтининг ва Арсеничев номидаги Днепродзержинск индустриал институтининг студентлари учун Л. И. Брежнев номида 12 та стипендия тайинлансин;

4. Л. И. Брежнев ишлаган Дзержинский номидаги Днепр металлургия заводида, у ўқиган Арсеничев номидаги Днепродзержинск индустриал институтининг биносига ва у яшаган Москва шаҳар Кутузов проспектидаги 26-уйга ёдгорлик эсдалик лавҳаси ўрнатилсин.

5. Кремль девори ёнидаги Қизил майдонда Л. И. Брежнев қабрига бюст қўйилсин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР 60 йил

# КУЧИМИЗ—ҚАРДОШЛИКДА

Тошкент Туладан олис, лекин бу оға-инилар учун тўсиқ бўла оладими? Бизнинг дўстлигимиз йиллар синовидан ўтган, фашистлар билан бўлган жангларда тўкилган қон билан мустаҳкамланган. Ўзбекистон фарзандлари биз билан биргаликда Тулани 1941 йилнинг кузида ҳимоя қилган эдилар.

Ўзбекистон уруш йилларида ўз диёрида юзга яқин йирик саноат корхоналарини, юзлаб фан ва маданият муассасаларини қабул қилиб олди, фронт районларидан эвакуация қилинган 1 миллиондан кўпроқ совет гражданларига бошпана берди.

Тошкент ҳақиқий укадек Москва ва Ленинградга уруш етказган жароҳатларни тузатишда, Киев ва Минск, Севастополь ва Одесса, Волгоград ва Керчь янги кўчаларини ва кварталларини барпо этишда ёрдам кўрсатди.

Шунинг учун ҳам 1966 йил апрель ойида шаҳар зилзилани бошидан кечирган оғир кунларда ёлғиз қолмади. Бутун мамлакат унга сахий ёрдам қўлларини чўзди.

Тарих кўпгина зилзилалар ва бошқа табиий офатларни билади. Капиталистик дунёда улар энг аввало меҳнаткашлар елкасига оғир юк бўлиб тушади. Улар етказган вайронагарчиликлар йиллар давомида йўқолмайди.

Тошкент зилзиласи ҳам кўп вайроналиклар келтирди. Шаҳарни тиклаш учун кўп йиллар керак бўладигандек туюларди.

Тошкентликлар табиий офат дахшатидан ўзларига келмасдан, қулаган биноларнинг чанги босилиб улгурмасдан Ўзбекистон пойтахтига Леонид Ильич Брежнев келди. У билан биргаликда Тошкент зилзиласи оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссияси аъзолари ҳам учиб келдилар.

Леонид Ильич Брежнев табиий офат оқибатлари билан батафсил танишди. У пойтахт активи йиғилишида партия ва ҳукумат томонидан янги Тошкентни, янада гўзал, янада мустаҳкам, ҳеч қандай зилзилалар хатарли бўлмайдиган шаҳарни тиклаш ва қуриш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида гапириб берди.

Зилзиладан кейинги ташвишли кунлар тўғрисида эслар эканман, шаҳар аҳолисининг катта матонати ва сабр-қаноатини таъкидламасдан ўта олмайман. Тошкентликлар тушкунликка тушмадилар. Улар Ватаннинг, бутун совет халқининг қўллаб-қувватлаётганлигини ҳис этиб турдилар ва ҳар бир киши ўз иш жойида фидокорона меҳнат қилди.

Катта оға сифатида рус халқи ҳамиша қардош халқларга оғир синовлар тушган пайтларда биринчи бўлиб ёрдамга келган.

РСФСР Министрлар Советининг қарори билан Тошкентда ўз қурилиш базаларига, автомобиль хўжаликларига эга бўлган махсус «Росташстрой» трести ташкил этилди. Бу трестга бевосита раҳбарлик қилиш «Главприокстрой»га юклатилди.

Тула шаҳри ва области қурилиш ташкилотлари инженер-техник ходимларидан комплектланган «Росташстрой» Россиянинг 48 области қурилиш поездларини ва СССР «Минмонтажспецстрой»нинг учта ихтисослаштирилган бошқармасини бирлаштирди. Трест составига ҳаммаси бўлиб 24 та, шу жумладан, Тула қурилиш-монтаж поезди кирар эди.

1966 йилнинг май кунлари ёдга тушади. «Главприокстрой» корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида оқшом пайтларида ҳам иш тўхтамас эди. Бу ерда эшелонларга кишилар, техника ва материал жойланарди. Тулаликлар партия даъватига биринчилар қатори лаббай, деб жавоб бериб, Тошкентга келдилар. 1 июндаёқ улар янги иш жойларида бўлиб, ишлаб чиқариш базаси, ўз қурилиш-монтаж поезди ва РСФСР қурувчилари учун турар-жой шаҳарчаси қурилишига киришдилар.

Очиғини айтганда тулаликларга осон бўлмади. Уларни одатланмаган жазирама қийнарди. Турар-жой йўқ эди. Палаткаларда жойлашишга тўғри келди.

10 июнь. 45 кундан бери ер силкинишлари давом этарди. Тошкентнинг сейсмология станцияси 26 апрелдан бошлаб 300 тага яқин, шу жумладан 4—6 балли ер силкинишларини қайд этди. Аммо тулаликлар ва Россия Федерациясининг бошқа қурувчилари аввалги кунлардагидек сабот матонат кўрсатдилар, сменалар, бригадалар, звенолар одатдаги график бўйича ишлар эди.

Масофа олис бўлганлиги туфайли таъминотда қийинчиликлар туғиларди. Биз буерга, Туладан бир неча минг километр узоқликдаги жойга қум ва шағалдан бошқа ҳамма нарсани ташиб келтирар эдик. Қимматли вақтни тежаш учун материалларни самолётларга юклашга тўғри келган пайтлар ҳам бўлган. Ўз ишлаб чиқариш базамиздан олисдалигимиз, техниканинг етишмаслиги кескин билинарди. Лекин кишилар энг масъулиятли иш участкасида эканликларини тушуниширди.

Шундай пайтлар ҳам бўлар эдики, смена топшириғи бажарилмай қолинган бўлса, ёки яна қандайдир ишни қилиш зарурати туғилса ҳеч ким вақт билан ҳисоблашиб ўтирмасди. Тулаликларнинг уйчалари ва палаткалари жойлашган тераккорда ҳаёт тунда ҳам тўхтамасди: сменалар, бригадалар, звенолар кечаю-кундуз алмашиниб турарди. «Главприокстрой»да эса Тошкентдан юборилган телетайп ахборотларини алоҳида диққат билан кўздан кечиришарди. Бошқармада ташкил этилган оператив штаб Тула қурилиш-монтаж поезди «Росташстрой» трести техника комплектлаш бошқармаси ишлаб чиқариш базаси, темир-бетон буюмлари заводи ва полигони қурилиши бўйича қатор ишларни бажарганлигидан биринчи бўлиб хабар топди.

Албатта, баъзида ташвишли хабарлар ҳам олинар эди: қайсидир завод темир-бетон буюмлари жўнатишни кечиктириб юборган, шу туфайли металл конструкциялари белгиланган муддатда ўрнатилмаяпти. Бу ҳолларда ишга фақатгина «Главприокстрой» мутахассисларигина эмас, шунингдек, областимиз партия, совет органлари ҳам аралашар эдилар.

Ўзбекистонга жўнатилаётган ҳамма нарсага яшил йўл очиб берилган эди, шунинг учун бундай нуқсонлар кам учрарди — кишилар бутун куч-ғайратларини аямай меҳнат қилардилар.

Тупроғи чўкиш хусусиятига эга бўлган заминга мослашиш, 40 даражали жазирамада юксак унум билан меҳнат қилишга одатланиш керак эди. Қурувчиларимиз бунга одатланиб ҳам қолдилар! Ефим Иванович Шаврин бошлиқ комплекс бригада коллективи 2 минг куб-метрдан кўпроқ жойга ғишт терди, кўплаб бошқа ишларни бажарди.

Тошкент қурувчилари ва монтажчилари уч сменада ишлай бошладилар. Тула вакиллари биноларни фақат юксак сифатли, пишиқ ва тежамли қилибгина эмас, шунингдек қисқа муддатларда қуриб битказиш шиори остида меҳнат қилардилар. Чилонзордаги 14-уйга 1966 йилнинг июни бошида пойдевор қўйилган эди, ноябрь ойида эса уни комиссия «аъло» баҳога қабул қилиб олди. Бу уй пештоқига ўрнатилган полотнога рассом «Қадрли тошкентликлар, тулаликларнинг совғаси — шинам, чиройли, зилзилабардош уйни қабул қилб олингиз» деб ёзиб қўйган эди.

Бу уйга кўчиб келганлар ҳақиқатан ҳам бинокорлардан жуда миннатдор бўлдилар. Тула қурилиш-монтаж поезди коллективи 28 ойлик фидокорона меҳнат натижасида Тошкентда умумий сони 16.457 квадрат метрга тенг бўлган олтита турар жой биносини «яхши», 280 ўринли болалар боғча-яслисини «аъло» баҳоларга, шунингдек 965 квадрат метр майдонга эга бўлган «Китоб» магазинини фойдаланишга топширдилар. Тошкентликларнинг 476 оиласи «Главприокстрой» бинокорлари томонидан бунёд этилган барча қулайликларга эга бўлган квартираларда уй тўйлари ўтказдилар.

Тула қурилиш-монтаж поезди Тошкентда ҳаммаси бўлиб пландаги 6 миллион 267 минг сўмлик ўрнига 10 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштирди. 1969 йилнинг охиридаёқ Россия қурувчилари Ўзбекистон партия, совет, жамоат ташкилотларига улар Тошкентни тиклаш бўйича қардошларча бурчини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Янгидан қурилган, мамлакат учун янада қадрли бўлиб қолган қуёшли шаҳарда Тула ва Новокузнецк, Горький ва Ярославль, Свердловск ва Новосибирск уйлари қад кўтарди.

Бу бинолар ўзларида уларни бунёд этган қўллар ҳароратини мангу сақлаб қоладилар, рус ва ўзбек халқлари буюк дўстлигининг қимматли ёдгорлиги сифатида туради.

Тула, бутун Россия қурувчиларининг меҳнат жасорати муносиб баҳоланди. Тула қурувчиларининг катта группаси Тошкентдаги зилзила оқибатларини бартараф этишда актив иштирок этганликлари, шаҳарни тиклаш ва қуришда кўрсатган қардошларча ёрдами ва фидокорона меҳнатлари учун орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида «Главприокстрой»га қарашли «Росташстрой» трестининг собиқ бошқарувчиси В. Н. Маркин, «Главприокстрой»нинг собиқ бошлиғи В. И. Карцев, «Главприокстрой» бошлиғининг собиқ ўринбосари В. К. Ткаченко, «Отделстрой» қурилиш бошқармасининг мастери Н. Я. Потапкина, экскаватор машинисти Н. В. Харьковлар бор.

Кўпгина тулалик қурувчилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Фахрий ёрлиқлари, шунингдек «Тошкент қурувчисига» нишонлари билан тақдирландилар.

Ўз-ўзидан равшанки, агар биз республика пойтахти партия ва совет ташкилотлари мададн ва ёрдамига таянмаганимизда бажарилиши керак бўлган ишларнинг улкан ҳажми анча кўп вақтни олган бўларди.

Улкан қурилиш қатнашчилари улар мурожаат этишга тўғри келган ҳамма муассаса ва ташкилотларда қизғин ва самимий кутиб олинганликларини мамнуният билан эслайдилар.

Тошкент эпопеясининг аҳамияти тўғрисида, афтидан, фақат бажарилган иш ҳажми, қурилган уйлар миқдорига қараб баҳо бериш мумкин эмас. Биз бир-биримизни яхшироқ билиб олганлигимиз, яқиндан танишганимиз бундан кам қимматга эга эмас, деб ҳисоблайман.

Тошкентнинг Чилонзор, Октябрь ва Киров районлари аҳолиси қурувчиларимиз ҳузурида тез-тез меҳмон бўлишар, уларнинг бўш вақтлари қизиқарли ўтишига ҳаракат қилишар эди. Улар кишиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишда оталиқ ёрдами кўрсатишарди. Чирчиқ химиклари, «Политотдел» колхози меҳнаткашлари билан учрашувлар, кўҳна диёр бўйлаб сафарлар тулаликлар хотирасида мамлакат меҳнаткашларининг абадий қардошлиги рамзи сифатида мангу сақланиб қолади.

Тошкент табиий офат туфайли етказилган жароҳатларини тузатди, янада улуғвор, аввалгидан чиройлироқ бўлиб қолди. Тула вакиллари уйларига қайтиб келганларига анча вақт бўлди, лекин улар қаерда меҳнат қилмасинлар — комбайн заводи қурилишидами, ёки «Тулачермет» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидами, Советлар уйидами, Заречье микрорайонидами — улар «Раҳмат, тулаликлар!» деган қалб сўзларини ёдда сақлайдилар.

Рассомлар, ҳайкалтарошлар, қурувчилар пойтахтнинг энг йирик кўчалари — Ленин ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектлари кесишган жойда улуғвор монументал ёдгорлик комплексини ҳамда СССР Халқлари дўстлиги музейини барпо этиб, Тошкент жасоратини абадийлаштирдилар.

Янги Тошкентни тиклаш ва қайтадан қуришда биз Ватанимиз барча халқларини онгли тарихий ижодга кўтарган Коммунистик партиямиз қудратли фаолияти самарасини кўрамиз.

Тошкентликлар, бутун ўзбек халқи ўзлари учун оғир кунларда Ленин байроғи остида, совет халқларининг дўст ва енгилмас Иттифоқи ойласида яшаш, тенг ҳуқуқли совет республикалари сафида бўлиш нақадар катта бахт эканлигини алоҳида куч билан ҳис этдилар.

Ҳаммамизнинг умумий байрамимиз — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Кўпгина тулаликлар бу байрам кунида Тошкентни ёдга оладилар.

**М. КУЗНЕЦОВ,**
**«Росташстрой» трести партия комитетининг собиқ секретари.**

(Тула область «Коммунар» газетасидан).



Шаҳримиздаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи йиллик план-топшириқларини мудда тидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Сиз ушбу фотолавҳада корхонанинг 1-филиали 6-цехи илғор тикувчиларидан (чапдан ўнгга) С. Ашрапжонова, М. Шорасулова, М. Боқиеваларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ**

**ЎРТОҚ Й. ШАМШАРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА.**

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи ўртоқ **Йўлдош Шамшаровга «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси»** фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**И. УСМОНХЎЖАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент шаҳри.
1982 йил 20 ноябрь.

## Шаҳарликлар дастурхонига

Наманган савдо корхоналари пештахталарида лимон пайдо бўлди. Намангандаги Тельман номли сабзавотчилик колхозининг катта теплицаларидан бу ерга лимон келтирилди. Бу йилги кузги-қишки мавсумда камида 25 тонна мева етказиб беришга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

**Биз ҳаммамиз — пахтакормиз**

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 41

# Ғайрат кўрсатишди

Республикамизнинг миришкор деҳқонлари табиат инжиқликларига қарамай 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони яратиш иштиёқида матонат билан меҳнат қилишяпти. Ана шу ватанпарварлик ишига минглаб тошкентликлар ҳам муносиб ҳисса қўшишяпти.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг пахтазорларда меҳнат қилаётган тошкентлик ўғил ва қизларига Очиқ хати барча ҳашарчиларни янада фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантириб юборди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бўлим ва бошқармаларининг комсомол-ёшлардан ташкил топган бригадаси аъзолари ҳам терим суръатини авж олдиришди. Улар Бекобод районидаги «Ленинград» совхози далаларида пахтакорлар билан ёнма-ён туриб ишлашди.

— Совхозимизга шаҳардаги бир неча корхона ва ташкилотларнинг вакиллари келишган эди, — дейди совхоз директори Ҳ. Қодиров. — Улар ҳосил тақдири учун совхоз меҳнатчилари билан бир сафда фидокорлик кўрсатишди. Ҳашарчилар ўртасидаги социалистик мусобақа натижалари ҳар беш кунда якунланиб турди.

Навбатдаги беш кунликда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бўлим ва бошқармаларининг ходимларининг бригадаси биринчи ўринни олди. Бригаданинг М. Маҳкамова, З. Умуртоев, Ш. Қодиров, С. Шарипов каби пешқадам теримчилари совхоз дирекцияси ва партия комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

**И. САЛОМОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат архивининг ходими.**

АНКЕТА САВОЛЛАРИ:

**1. Бахт деганда нимани тушунасиз!**

**2. «Меҳнат семестри»га муносабатингиз қандай!**

**Бугун анкетамиз саволларига Тошкент фармацевтика институтининг 3-курс студенти Елена СКОПОВА жавоб беради:**

**1. Ҳаётда ҳар кимнинг ўз олдига қўйган мақсади бўлади, шу мақсадга эришиш бахтдир.**

**Ҳозир ҳаммамиз об-ҳаво қийинчиликларига қарамай республикамизнинг 6 миллион тонналик хирмонини бунёд этиш мақсади билан яшаяпмиз. Шу мақсадимизга етсак ўзимизни бахтли ҳис этамиз.**

**2. «Меҳнат семестри» менга ёқади. Бунда ўз кучинг, лаёқатингни синаш имконига эга бўласан. Кишида ўзига нисбатан ишонч пайдо бўлади.**

Жиззах области далаларида меҳнат қилаётган тошкентлик ҳашарчиларнинг бош штаби Пахтакор район марказида, пахта тозалаш заводининг меҳмонхонасида жойлашган.

Биз штабга кириб борганимизда айни тушлик палласи эди. Республика радиоси ўзининг қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттиришини бошлади. Диктор Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг 6 миллион тонналик Ўзбекистон пахтаси учун курашда жасорат ва фидокорлик намуналарини кўрсатаётган тошкентлик ўғил ва қизларга «Очиқ хати»ни ўқий бошлади. Штаб ходимлари радиодан янграган кишига далда берувчи, янги меҳнат зафарларига илҳомлантирувчи оташин сўзларни қаяжон билан тинглашди.

Ҳозир Жиззах областида Тошкент шаҳар партия комитетининг бош штабидан ташқари тармоқ штаблар: республика савдо министрлиги, ички ишлар министрлиги, ўрта ва олий таълим министрлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳунар-техника билим юртлари бошқармаси штаблари ҳам ишлаб турибди. Бу штаблар бевосита Тошкент шаҳар партия комитетининг бош штаби раҳбарлигида ишлайди ва шаҳардан борган 70 мингга яқин ҳашарчининг яхши яшаши ва меҳнат қилишини ташкил этиш масалалари билан шуғулланади.

Биз штабда бўлган чоғимизда республика Ички ишлар министрлигининг штаби бошлиғи, ички хизмат генерал-майори М. А. Симонов билан учрашдик. У киши ҳашарчилар яшаётган ҳар бир дала шийпонига Тошкентдан келган биттадан милиция ходими бириктирилганлигини, улар зиммасига жамоат тартибини сақлаш вазифаси юклатилганлигини гапириб берди.

Телефон жиринглади. Бош штаб бошлиғи Тимофей Фомич Маришев трубкани олди. Чилонзор район штабидан қўнғироқ қилиб, икки кундан бери биронта ҳам автолавка келмаётганлигини айтишди. Бу ташвишли факт эди. Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасидан берилган маълумотда ҳар ҳафтада Жиззах областига 30-40 та автолавка юборилаётганлиги айтилганди. Агар буни областдаги 6 пахтакор районга тақсимланса, деярли ҳар куни районларга автолавка бориши керак... Демак, бу масалада ҳам назоратни кучайтириш лозим. Шу заҳотиёқ барча район штабларига қуйидаги телефонограмма юборилди: «Ҳар куни нечта автолавка борганлиги ва унда нималар олиб борилганлиги район штабларида махсус дафтарга қайд этиб борилсин. Ҳар уч кунда бош штабга бу ҳақда ахборот етказиб турилсин».

Биз бош штабда фақат пахтазорда ишлаётган одамлар ва терилган пахта миқдори ҳақидагина маълумот олиш мумкин деб ўйлагандик. Аслида унинг иш миқёси биз тасаввур этгандан кенгроқ экан. Бизга бу ерда альбомни эслатадиган сариқ дафтарни кўрсатишди. Уни кўздан кечириб, ҳашарчиларга кўрсатилаётган медицина-санита р и я хизмати бўйича тўлиқ маълумот олиш мумкин. Ҳар бир ахборот остида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Л. Г. Реймнинг имзоси турибди.

Бош штабдаги пахта терими бўйича маълумотлар ёзилган катта ватман қоғозда икки ўқув юрти: Арнасойдаги Юлиус Фучик номли совхозда ишлаётган халқ хўжалиги институти ва 34-шаҳар техника билим юрти қаршисига Қизил байроқча расми чизилибди. Бу ўқув юртлари коллективлари теримда уч марта мусобақа ғолиби бўлишди. Анъана бўйича бундай коллективларда Қизил байроқ абадий сақлаш учун қолдирилади. Юқоридаги икки ўқув юртининг номи ёзилган катак охирига Қизил байроқ расми солинганлиги боиси шу экан.

Жиззах областида меҳнат қилаётган тошкентлик ҳашарчилар шу кунгача Ватан хирмонига 80 минг тонна га яқин «оқ олтин» тўкдилар. Шу кунларда пахтазорлардаги ҳосилнинг сўнгги граммларини йиғиб-териб олиш учун давом этаётган мусобақада Ленин районидан борган ўқув юртларининг коллективлари барчага намуна бўлишяпти.

(Давоми бор).




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ТАШКЕНТ вечерний газета
ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ

**Махсус мухбирларимиз Ҳ. ИКРОМОВ, А. ХАТАМОВ, А. ЭГАМНАЗАРОВ Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар қиладилар:**

# 42 .БОШ ШТАБНИНГ ИШ МИҚЁСИ

▲ ТОШКЕНТЛИК ОТА-ОНАЛАРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ ПАХТАЗОРЛАРДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ РУҲЛАНТИРМОҚДА ▲ МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИДА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ АБАДИЙ САҚЛАШ УЧУН ҚОЛДИРИЛДИ ▲ СЎНГГИ ҲОСИЛНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШДА ЛЕНИН РАЙОНИ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ НАМУНА БЎЛИШЯПТИ

*«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН*

# «ГАНГА»НИНГ МУССОН ЁМҒИРЛАРИ МАВСУМИ...»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 28 июль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада «Ганга» магазини биносидан фойдаланиш ва уни асрашдаги нуқсонлар кўрсатиб ўтилган эди. Газета ана шу мақола юзасидан Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси М. Аъзамовдан жавоб олди. Жавобда мақолада келтирилган фактлар тасдиқланган, район Совети ижроия комитети район уй-жой бошқармаси бошлиғи Х. С. Убайдуллаев эътиборини бинодан фойдаланиш бўйича ташкил этилган ишларнинг етарли эмаслигига қаратилганлиги айтилади. Район уй-жой бошқармаси томонидан канализациядан сувларнинг оқиб туришига барҳам бериш бўйича чора-тадбирлар кўрилган. Шунингдек, санитария-техника ремонт ишлари амалга оширилган.

Кондицион камералар қурилиши масаласи бўйича 159-қурилиш трестига кўрсатма берилган. Бу кўрсатмада шу йилнинг ноябрида бинонинг қурилиш қисмини ниҳоясига етказиш, декабрь ойида эса магазинни мўътадил ҳаво билан таъминлайдиган системани фойдаланишга топшириш уқтирилади. Шу билан бирга район Совети ижроия комитети газетада босилган мақолага ўз вақтида жавоб бермаганлиги учун газетхонлардан кечирим сўрайди, дейилади жавоб сўнгида.

# ИШДАГИ НУҚСОНЛАРИ УЧУН

**Газетамизда босилган мақолалардан бирида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилишдаги нуқсонлар тўғрисида фикр юритилган эди. Ана шу мақола юзасидан редакция «Ташплодоовощ» бирлашмаси директорининг ўринбосари Ш. Машурьяндан жавоб олди.**

Фрунзе улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 1-магазин ниши текширилган пайтда мақолада келтирилган барча фактларнинг ҳаммаси тўла тасдиқланди, дейилади жавобда. Очиб ташланган нуқсонлар Фрунзе район улгуржи-чакана савдо идораси коллективи орасида муҳокама қилинди. Харидорларга хизмат кўрсатишда йўл қўйган нуқсонлари учун 1-магазин мудири вазифасини бажарувчи И. Исмонлов қаттиқ огоҳлантирилди. Магазин иши қатъий назорат остига олинди.

*БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР*

# БОЗОР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

**Оқшомхон Б. Дядиченко редакцияга йўллаган ўз хатида Чилонзор массивида бозор қурилиши зарурлиги тўғрисидаги масалани кўтарган эди. Газетхонингг ушбу мактубига Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи Н. Аҳмедов шундай жавоб беради:**

— Чилонзор районида 900 савдо ўрнига эга бўлган усти ёпиқ бозорни лойиҳалаштириш ишлари бошланган эди, — дейилади жавобда.—Бироқ, ҳукуматимиз қарорига мувофиқ Октябрь районида 2 минг 100 ўринли, смета қиймати 6 миллион сўмлик усти ёпиқ бозор қурилиши муносабати билан шунга ўхшаш бошқа ишлар тўхтатиб қўйилди. Фарҳод бозорини кенгайтириш масаласига келганда шуни айтиш керакки, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан бу ерда бўш территория йўқлиги сабабли бозорга сабзавот маҳсулотларини сотишга мўлжалланган 100 ўринли қўшимча савдо павильонлари ўрнатилди. Бундан ташқари Фарҳод кўчаси ва Халқлар дўстлиги проспекти кесишадиган жойда ҳозирги пайтда 60 савдо ўрнига эга бўлган ярмарка қурилиши олиб борилмоқда.



Тошкент фармацевтика институти коллективи Жиззах область Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз далаларида меҳнат қилмоқда. Бу коллектив олий ўқув юртлари ўртасидаги мусобақада икки марта совринли ўринни эгаллади. Институт студентларининг шу кунгача терган пахтаси 2350 тоннадан ортди.

СУРАТДА: 3-курс студентлари ва ўқитувчиларидан бир гуруҳи пахта теримида.

М. Нуриддинов фотоси.

# «ТЎЙ ТЎЙДЕК БЎЛСИН...»

(1982 йил, 20 сентябрь) мақоласи—

газетхонлар муҳокамасида

# ИНСОФ САРИ БАРАКА...

Ҳурматли адибимиз Раҳмат Файзий «Оқшом» газетасида тўйларимизнинг файзи, яхши урф-одатларимиз, ўзига хос анъаналаримиз, шу билан бирга тўйларимиздаги ортиқча сарф-харажатлар, «Сени кўйсин, мени кўрсин» тарзида дабдабали маросимлар ўтказиш, бир неча кунлаб тўй-ҳашамлар қилиш каби масалаларни жуда ўринли баён этиб берди. Бир сўз билан айтганда, ёзувчимиз эл дилида ва тили учида турган гапни айтган.

Мени бир нарса таажжублантиради: эски тўйни сархаражат, бир неча кун давом этади, деб тўйнинг янгичаси изланганига эндигина йигирма беш йилча бўлди. Шуни айтиш керакки, янгилик яхши, янгича тўй-маросимлар файзли бўлади. Лекин «янгилик» деб биз баъзан ортиқча дахмазаларга йўл қўяяпмиз. «Пўконидан ел ўтмаган»ларнинг ман-манлиги орқасида тўйларимиз бузиляпти, хонадонимиз тўйхона эмас, майхонага, ўз бойлигини кўз-кўз қиладиган «кўргазма»га айланяпти.

Тўйлар, у қандай тўй бўлишидан қатъий назар, ниқоҳ тўйими, ақиқами, бешик тўйими, ҳовли тўйими — чиндан ҳам тўйдек бўлиши керак. Тўй қиляпман, деб олам-жаҳонни бошга кўтариш керак эмас. **Очиқ гап, биз «эскича» деган тўйларда ҳам ҳозирги «янгича» тўйдагидек исрофгарчиликлар бўлган эмас, гапнинг индолосини айтганда, «янгича» ниқоби остида тўйларга яшик-яшик ароқ, коньяк, вино ва бошқа ичимликлар кирди.**

Маълумки, ичкилик кишини беҳаё қилади. Тўйларда буни ҳамма кўриб турибди: «горька-горька»-лар бўлиб, лаб уриштиришлар... Ахир буларнинг ҳаммаси тўйга келган болалар (катталарни ҳисобга олмаганда) олдида бўлмоқда, уларнинг тарбиясига салбий таъсир этмоқда, ҳато боғча ёшидаги болалар рюмка уришгиришни ўрганмоқда. **«Тўй— шахсий иш эмас» деган ёзувчи Ў. Ҳошимов шунинг учун ҳам мутлақо ҳақ! Негаки, болаларимизнинг тарбиясига ёмон таъсир кўрсатадиган ҳар қандай хатти-ҳаракат жамоатчилик манфаатларига, қолаверса, ижтимоий тузумимизнинг истиқболига катта зарар етказади.**

Яна бир гап. «Янгича тўй» деб қимматбаҳо гарнитурлардан тортиб, олтин узук, олтин соату марваридларгача «совға» қилиш одат тусига кириб бормоқда. Яна гарнитурнинг импорти қидирилади. Шу ўринда машҳур совет шоири Сергей Михалковнинг ушбу сатрларини эслаш жоиздир:

**Ўзимизникини ерларга уриб,**
**Четникини роса мақтовчилар бор.**
**Ҳамма нарсамизни ёмонлаб туриб,**
**Нонимиз ейишдан қилишмайди ор.**

Шоирнинг бу сўзлари текин пул топиб, ман-манлик кўчасига кириб кетган ёки «Мен сендан қоламанми» қабилида на кўни-қўшнини ва на аҳли маҳаллани менсимай бойлигини кўз-кўз қилувчи текинхўрларга— нонкўрларга бевосита қаратилган!

**Хўш, мана шунақа дабдабали тўй қилувчилар кимлар? Ҳеч иккиланмай савдогарлар, порахўрлар, текинтомоқлар деб бемалол айтиш мумкин. Маошга кун кўрувчи киши бу бемаъниликларни қилмайди, албатта. Шунинг учун ўшанақа дабдабали тўй қилувчиларнинг лоақал бир-иккитасини маъмурий органлар текшириб кўрсалар, масала равшан бўлиб қолар эди.**

Тўйлардаги ичкиликнинг хунук оқибати ҳақида бир воқеани айтмоқчиман. Шу йил июль ойида «Марказ— 26»да бир тўй бўлган. Ичкилик қўймаган, қиниз тортган. Бу, албатта, текин ароқ ичишга ўрганиб қолганларга ёқмаган. Кейинги ҳафта шу ерда яна бошқа тўй бўлган: «Ароқлар ариқда оққан сувдек сероб бўлган». Мана шу тўйда аввалги тўй қилган йигитга таъналар қилишиб, дашном беришган, таҳқирланган, ҳақоратланган: «Тўй қилиш мана бунақа бўлади, сен ҳам тўй қилдим деб юрибсанда!..» Ҳуллас, ноҳақ ҳақоратларга чидолмаган ҳалиги йигит иродасизлик қилиб, ўзини учинчи қаватдан ташлаб юборган... Мана сизга оқибат, мана сизга «саломатлик учун» олинган оқ ароқнинг қора иши!

Тўйларда микрофон орқали кучли карнайлар қўйиб ашула айтиш ҳам одат бўлиб қолди. Агар ашулачининг олдидан микрофон олиб қўйилса борми... ашулачи бечорани нг соясидан бошқа нарса қолмайди. Бу шовқин-сурон ҳаммани жонига теккани рост! Бу масалага милиция органлари аҳамият бериши керак. Ахир шаҳар Совети ижроия комитетининг кечаси соат йигирма иккидан кейин ҳар қандай суроилни томошалар, йиғинлар тўхтатилиши кераклиги ҳақида мажбурий фармойиши бор, унинг бажарилишини, гражданлар томонидан бу фармойишга амал қилишни назорат қилиш маъмурий органлар зиммасига юклатилган. Шаҳримизнинг Октябрь, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Киров районлари территориясида бундай шовқин-суронли тўйлар кўп бўляпти.

**ЗАГСдан ўтиш масаласи ҳақида ёзувчимиз Раҳмат Файзий жуда яхши фикрлар айтди. Чиндан ҳам бу иш бемаъни одатга айланиб кетди. Илгари, бундан йигирма беш-ўттиз йил муқаддам куёв томондан икки киши, келин томондан икки киши ЗАГСга боришарди. ЗАГСдан ўтишгач, куёв ўз уйига, келин янгаси билан ўз уйига кетарди. Кейин росмана никоҳ тўйи бўларди.** Қўша-қўша машиналар, турли-туман алвонлар қадимдан чиқди? Ҳўш, ўн-ўн иккита машинада кўча кезиб, бараварига сигнал чалиб, одамларни безовта қилиш ҳам «янгича тўй»ми? Йўқ, бу ҳам ман-манлик, калондимоғларга кўр-кўрона эргашишдан бошқа нарса эмас!

Ҳозир кўп никоҳ тўйларида куёв билан келиннинг уйига ўн-ўн беш йигит боради, қайтиб келгач базм бошланади— тўйхонага одам сиғмайди, айтилган-айтилмаган майхўрлар ҳаммаёқни босиб кетади, қий-чув! Бир-икки қадаҳдан кейин ашулага ҳам қулоқ солиш йўқ ва ҳоказолар...

**Ҳозирги тўқ, дориломон замонамиз ва халқимиз ҳаётидаги бу фаровонлик ўз-ўзидан пайдо бўлганн йўқ. Бундай тўқ турмушга эришгунча оз мунча меҳнат сарфландими-ю оз мунча қурашлар бўлдими! Мана шуларнинг қадрига етмоқ керак, кечаги кунни— дахшатли уруш йилларини, муҳтожликларни унутмаслик керак, аксинча нонкўрлик бўлади.**

Тўйларни ўтказиш юзасидан мен қуйидагиларни таклиф қилардим:

Аввало ҳар қандай тўй бир кунда ўтиши керак. ЗАГСга қатор-қатор машинада боришга, бараварига машиналар сиғналини босишга чек қўйиш лозим, бу иш билан Давлат автомобиль инспекцияси ҳам шуғулланса, фойдадан холи бўлмасди. Ичкиликни тўйлардан бутунлай йўқотиш ёки меъёрида қилиш керак, токи ёш болаларимизнинг тарбиясига зарар етказмасин (ўқитувчиси ёки ота-онасининг ичкилик ичаётганини кўрган ёш болани кўз олдингизга келтиринг). Созанда ва хонандалар олдига микрофон қўйиб, кучланувчи карнайлар орқали қўни-қўшни, маҳалла-қуйдаги аҳолининг, кексалар ва беморларнинг тинчлигини бузувчиларни маъмурий жазога тортишдан ҳам фойдаланиш керак, токи бошқаларнинг оромини бузган беандишалар жамоатчиликни ҳурмат қиладиган бўлсинлар.

**Маҳаллалардаги тўй комиссиялари фаол ишласалар ва масалаларни ҳал этишда принципли бўлсалар, тўйлар меъёрида ўтади, исрофгарчилик ҳам, ичкиликбозлик ҳам, ман-манлик ҳам бўлмайди. Бунга барча активлар бир ёқадан бош чиқариб, ишга киришсалар, албатта эришиш мумкин. Зеро, инсоф сари— барака, дейдилар. Инсофли одам меъёрдан ошмайди.**

**Қ. ИСЛОМОВ,**
**Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, журналист.**


● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
ЯНГИ ПРОГРАММА
(2 бўлимда)
ПРОГРАММАДА:
РСФСР халқ артисти
ИВАН РУБАН РАҲБАРЛИГИДАГИ
Ёввойи ҳайвонлар группаси —
шерлар, йўлбарслар, айиқлар, оқ айиқларнинг чиқиши.
Томошалар ҳар куни соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.30 да, якшанба кунларн соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.
Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.
44-35-91 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ
ШАҲАР ЭКРАНЛАРИГА
«БОЖХОНА»
ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ



Сценарий автори— В. Мазур, (И. Константинов иштирокида).
Режиссёр— А. Муратов.
Ролларда: М. Боярский, В. Гафт, Т. Ташкова ва бошқалар.
Фильмнинг қаҳрамони Юрий Хорунжев институтни битирганидан кейин йирик денгиз портидаги божхонага ишга юборилади. Аввалига иш унга, айниқса, юкларни текшириб кўриш лозимлиги ёқинқирамади. Вазият шу даражагача мураккаблашиб бордики, «Амур» кемаси навбатдаги рейсга жўнаши арафасида унинг врачи, унинг болаликдаги дўсти ғойиб бўлиб қолди. Юрий ўртоғи Викторнинг ғойиб бўлиш сирини аниқлашга интилиб, ўзи учун кутилмаган контрабандистларнинг мураккаб ва чалкаш операциясини очиб ташлади ва уларни фош этишнинг уддасидан чиқди.
Бу синов машаққатли ва хавфли бўлди, лекин у Юрийга эгаллаган касбининг қанчалик муҳим эканлигини яққол англатди. Юрий бу касб романтик ҳаётга қадам қўяётган ўсмирлар одатда орзу қиладиган исталган касбларга нисбатан керакли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.
«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ТЕАТР
НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/XI да Дилором, 24/XI да Оққуш кўли, 25/XI да Князь Игорь.
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/XI да Келинлар қўзғолони, 24/XI да Абу Али ибн Сино, 25/XI да Соқов рицарь.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/XI да Тошкентнинг нозанин маликаси (16.00, 19.30), 25/XI да Гулсара (16.00, 19.30).

КИНО
23 НОЯБРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ВОЛГА» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.
«МАНА ШУНДАЙ ҲОВЛИ ТЎЙИ» — Қозоғистон.
«ОЙИМ НИМА ДЕРКИН?» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.
«ОЛОВНИ БЎЙСУНДИРУВЧИЛАР» — Искра.
«БУ КЕЧАСИ ЮЗ БЕРГАН ЭДИ» — Чайка.
«МИЛИЦИЯ ЕРДАМ БЕРДИ» — Кўнча.
«ГУГУРТ» — Восток.
«ДАҲШАТЛИ ТУШ» — Ҳамза номли.
«БУ ХАВФЛИ»— Янгиобод.
«БОШ МАЙДОН» — С. Раҳимов номли.
«БЕПАРВОЛИК ПАНД БЕРДИ» — Москва.
«ҲАВФЛИ ЎЙИН» — Фестиваль.
«КУРС БЎЙИЧА ВУЛҚОН» — Мир.
«ЕШЛИК»— Нукус.
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ЮКСАК ДОВОН» — Қозоғистон (18, 21.00, телефон 35-24-92).
«КИНГ-КОНГ ГРИППИ» — Қозоғистон (17, 20.00), Мир (17, 20.00, телефон 91-08-30).
«БОЖХОНА» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), Тинчлик (жуфт соатларда), Кўнча (тоқ соатларда, телефон 46-23-16).
«ҚАРИНДОШЛАР» — Искра (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).
«ОТАЛАР ВА БОБОЛАР» — К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).
«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — Гулом номли (17, 20.00, телефон 48-42-80).
24 НОЯБРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:
«ВОЛГА» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.
«МАНА ШУНДАЙ ҲОВЛИ ТЎЙИ» — Қозоғистон.
«ОЙИМ НИМА ДЕРКИН?» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.
«ОЛОВНИ БЎЙСУНДИРУВЧИЛАР»— Искра.
«БУ КЕЧАСИ ЮЗ БЕРГАН ЭДИ» — Чайка.
«МИЛИЦИЯ ЕРДАМ БЕРДИ» — Кўнча.
«ГУГУРТ» — Восток.
«ДАҲШАТЛИ ТУШ» — Ҳамза номли.
«БУ ХАВФЛИ»— Янгиобод.
«БОШ МАЙДОН» — С. Раҳимов номли.
«БЕПАРВОЛИК ПАНД БЕРДИ»— Москва.
«ҲАВФЛИ ЎЙИН» — Фестиваль.
«КУРС БЎЙИЧА ВУЛҚОН» — Мир.
«ЕШЛИК»— Нукус.
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ЮКСАК ДОВОН» — Қозоғистон (12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92).
«КИНГ-КОНГ ГРИППИ» — Қозоғистон (11, 14, 17, 20.00), Мир (11, 14, 17, 20.00).
«БОЖХОНА» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), Кўнча (тоқ соатларда, телефон 39-14-59).
«ОТАЛАР ВА БОБОЛАР» — К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).
«ҚАРИНДОШЛАР» — Искра (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИДА
Телефон аппаратлари ремонти ва техника хизмати бўйича
УСТАХОНАЛАР ИШЛАМОҚДА
Шаҳар ташкилотлари шаҳар телефон тармоқлари қоидаларига биноан техника хизмати кўрсатиш юзасидан
(имтиёзли шароитда)
ШАРТНОМА ТУЗИШЛАРИ МУМКИН
УСТАХОНАЛАР ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРДА ЖОЙЛАШГАН:
Лисунов кўчаси, 25«А» уй (3, 23-трамвайларнинг «166 мактаб») бекати; 72, 49-автобусларнинг «Авиасозлар маданият саройи» бекати).
Навоий кўчаси 14-«А» уй (7, 8, 10, 11, 16, 23-трамвайларнинг «У. Юсупов кўчаси», «Ўрда» бекатлари).

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти томонидан Исмоил Султонович ОМОНОВ номига берилган 849839 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГРАЖДАНЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!
Тошкент область матлубот жамиятининг ОБЛАСТЬ ТАЙЁРЛОВ-СОТУВ БАЗАСИ
1 МАРТГАЧА
тирик вазни 3 килограммдан ортиқ бўлган нутрияларни харид нархларида чекланмаган миқдорда сўйиб сотиш учун
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ветеринария гувоҳномаси бўлган тақдирда нутриялар буюртмаларга асосан қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри; Саъдий проезди, 2-Прохладний тупиги. Тошкент область матлубот жамиятининг область тайёрлов-сотув базаси. Телефонлар: 53-10-33, 53-10-24.

«ТашЗНИИЭП» институти
1982 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА ҚЎШИМЧА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
иссиқлик-газ таъминоти, вентиляция ва ҳавони кондиционлаштириш — кундузги;
бинолар ва иншоотлар архитектураси — кундузги, сиртқи;
экономика, халқ хўжалигини (қурилиш) планлаштириш ва бошқаришни ташкил этиш — сиртқи.
Ҳужжатлар 25 ноябргача қабул қилинади.
Имтиҳонлар 1 декабрдан бошланади.
Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, 108-абонент қутиси, Аспирантура бўлими. Телефон 46-07-60.

ДОИМИЙ ИШГА
печатниклар, қўлда ҳарф терувчилар, сатр қуювчи машиналарда ҳарф терувчилар, юқорида кўрсатилган ихтисосликлар бўйича шогирдлар, бухгалтерлар, корректорлар, электр монтёрлар, слесарь-сантехниклар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, ҳовли супурувчилар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ЭРКАКЛАР, СИЗЛАР УЧУН!
ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА
(2-қаватда)
23-26 НОЯБРЬ КУНЛАРИ
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилган
ЭРКАКЛАР КОСТЮМЛАРИНИНГ
Савдо-кўргазмаси ўтказилади
Савдо-кўргазмасидан сиз классик ва спорт услубидаги костюмларни харид қилишингиз мумкин. Савдо-кўргазмасида ёшлар, ўрта ва катта ёшдаги эркаклар учун мўлжалланган ўн хилдан кўп моделдаги костюмлар намойиш қилинади.
Костюмларнинг ҳамма размер ва ростлари бор бўлиб, улар ҳар хил гулли ва структурадаги замонавий газламалардан тикилган.
ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!
Харидорлар талабини ўрганиш савдо-кўргазмасининг асосий мақсадидир. Савдо-кўргазмасидаги костюмлар ассортименти бўйича ўзингизнинг объектив баҳоингизни харидорлар талабини ўрганиш китобига ва анкетага ёзиб қолдиришингизни сўраймиз. Сиз кўрсатган камчиликлар ва берган таклифларингиз тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларига юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўл келади.
Савдо-кўргазмаси кунларида Марказий Универсал Магазинининг намойишлар залида эркаклар костюмлари моделларининг намойиши ўтказилади.
САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!
ЦУМ.



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.


ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

23 НОЯБРЬ— СЕШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси
19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Расмларда қуёш акси бор». 19.45 «Биз БАМни қуряпмиз». 20.15 Кремль Съездлар саройида санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.15 «Солдат мемуарлари». 6-фильм. «Пиёда— бу ўзи пиёдада». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.10 «Дунё воқеалари».
Марказий телевидениенинг иккинчи программаси
18.30 Янгиликлар. 18.50 «Сенга, менга, ҳаммамизга тинчлик». Ҳужжатли фильм. 19.00 «Ленин номи барҳаёт». Шеърий композиция. 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Сиз бунга қодирсиз». 21.30 «Время». 22.15 «Салом, доктор!». Телевизион бадиий фильм.
Ўзбекистон телевиденнесининг программаси
I
17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактабгача ёшдаги болалар учун. «Сўз кетидан сўз келар» (такрорий). 18.20 «Республика энг яхши пропагандистларининг иш тажрибасидан». 18.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Менинг орзуларим». 19.20 «Бахмал этюдлари». Телевизион фильм 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Адабий альманах. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Алибек йигитлари». Ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Юбилей йили ҳосили ерда қолмасин». 22.30 «Байрам базми». Музикали программа. 2-бўлим (7 ноябрдаги кўрсатув такрорланади). 24.00 Янгиликлар.
II
18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Биология. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши. 18.40 Реклама. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Асов дарё ўзанида». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 21.30 МТ II.
24 НОЯБРЬ— ЧОРШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси
9.00 «Время». 9.50 К. Сен-Санс. «Фантазия». 10.05 «Райком секретари». Бадиий фильм. 11.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «80-йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар: «Бош йўл». «Бизнинг секретарь». 16.20 «Ватаним қўшиқлари». Концерт. 16.45 «Рус тили». 17.15 «Совет Қизил крести музейи». Ҳужжатли фильм. 17.20 «Горичлар, қаердасиз!».
18.05 Москва милицияси духовой оркестрининг концерти. 18.30 «Жасорат» Сталинград остоналарида немис-фашист қўшинларининг тор-мор этилганлигининг 40 йиллигига. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи В. В. Карпов олиб боради. 19.00 «Қувноқ нотачалар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «СССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар». 19.50 Совет қўшиқларидан концерт. 20.15 «Экранда —кинокомедия». «Тўй». 21.30 «Время». 22.20 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Спартак» (Москва) — «Валенсия» (Испания). Тўлиқсидан олиб кўрсатилади. 24.00 «Дунё воқеалари».
Марказий телевидениенинг иккинчи программаси
18.30 Янгиликлар. 18.50 «Фан ва техника» киножурнали. 19.00 Спорт ҳафталиги. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 21.30 «Время». 22.15 Ф. Амиров. «Минг бир кеча». Охундов номли Озарбайжон ССР Давлат академик опера ва балет театрининг спектакли.
Ўзбекистон телевиденнесининг программаси
I
11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Физика. СССРда алоқа воситаларининг ривожланиши. 12.00 «Рекламация». Телевизион фильм. 12.30 Химия. Нитрат кислота. Аммиак ва нитрат кислота ишлаб чиқариш. 13.00 «Энг чиройли кемалар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 14.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Булоқ бошидаги воқеа». «Қария». Мультфильмлар. 18.30 «Санъат ғунчалари». Қўқон Пионерлар уйи »Ғунчалар» ансамблининг чиқиши. 19.00 «Тошкентнинг 2000 йиллигига» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Далада ишлаётганлар, Сизлар учун». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.20 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига, Қорақалпоғистон АССР ва республика областлари театрларининг телевизион фестивали. О. Абдуллин. «Ўн учинчи рақс». Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли Қашқадарё область драма театрининг спектакли. Кўрсатув тугагач— Янгиликлар.

«Главташкентстрой» 12-қурилиш трестининг қурилиш бошқармаси коллективи ишчи Низом Усмонович АҲМЕДОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Чилонзор район ошхоналар трести коллективи 10-ошхона ошпази Зуҳриддин Ғанневич ВАЛИЕВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ЛЕКТОРЛИК МАҲОРАТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТОШКЕНТ УНИВЕРСИТЕТИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Университетда ўқув йили қуйидагича бошланади:
24 ноябрь соат 17 да — ўзбек тилида лекция ўқувчи халқаро лекторлар тайёрлаш факультетида.
Тарих фанлари кандидати, доцент Ф. Шарипов «80-йилларнинг Тинчлик программаси» мавзуида лекция ўқийди.
Машғулотлар Билимлар уйида, Киров кўчаси, 24-уйда ўтказилади.
25 ноябрь соат 17.00 да — лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати факультетида филология фанлари доктори, профессор, университет ректори Л. П. Қаюмов «КПСС XXVI съезди материалларини ўрганишда ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш вазифалари тўғрисида» мавзуида лекция ўқийди.
Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг лектори, университет проректори К. С. Тен «КПСС XXVI съезди ва 80-йилларнинг Тинчлик программаси» мавзуида лекция ўқийди.
Машғулотлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида ўтказилади.

ҚИШКИ ФОРМАГА
Тошкент гарнизони бошлиғининг буйруғига биноан гарнизон қўшинларининг шахсий состави 1982 йил 1 декабрдан қишки формага ўтадилар.


Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент —ГСП. Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

23 НОЯБРЬ, 1982 й. Р—07514. Газета Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. В—2524 Индекс 64691.